




ТО'УШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 118 (9.462) 2000 йил 4 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Мамлакатимизда

- ◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Исмоил Жемни қабул қилди.
- ◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсаройда Халқаро молия корпорацияси ижрочи вице-президенти Питер Войкени қабул қилди.
- ◆ **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида** бўлиб ўтган матбуот анжумани Ўзбекистон Куролли Кучлари тизими бошқарувини такомиллаштириш масалалари, республика раҳбарияти томонидан бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга бағишланди.
- ◆ **Вазирлар Маҳкамасида** ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссиясининг кенгайтирилган таркибидagi йиғилиши бўлиб ўтди.
- ◆ **Тошкент Давлат юридик институтида** «Бурхониддин Маргиноний маънавий меросининг аҳамияти» мавзусида илмий амалий анжуман бўлиб ўтди.
- ◆ **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида «Радиоизотоплар ва уларнинг қўлланиши» мавзусидаги илмий амалий конференция очилди.
- ◆ **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки** вакиллари Осиё банклари уюшмасининг Истанбулда бўлиб ўтган йиллик анжуманида иштирок этишди. Унда мамлакатимизнинг мазкур ташкилотдаги нуфузини оширувчи қатор қарорлар қабул қилинди.
- ◆ **Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши**нинг сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Соғлом авлод» Давлат дастури вилоятда қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди.
- ◆ «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг «АмерикЭкс» инсонпарварлик ташкилоти билан қилаётган ҳамкорлиги самараси ўлароқ мамлакатимизга навбатдаги тиббий муруват ёрдами етиб келди. Мазкур ёрдам «Элай Лилли» компанияси «Бектон Дикинсон» фирмасининг 840 минг АҚШ доллари миқдоридagi доридармон ва тиббий воситаларидан иборат.
- ◆ **Тошкентда** «Амоко — Боулинг» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.
- ◆ **Республика фахрийлари** ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» ҳамда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимиздаги «Ешлик» қаҳвахонасида Халқаро қарилар кўни муносабати билан тантанали кеча ўтказилди.
- ◆ **Бугун** пойтахтимиздаги Отчор ва От спорти олий маҳорат мактаби ишқибозлар билан янада гавжум. Бу ерда от спортининг йўрттириш, учқураш, тўсиқлардан сакраш турлари бўйича Тошкент шаҳар очик чемпионати ўтказилмоқда. Беш кун давом этадиган бу чемпионат 7 октябрь кўни ниҳоясига етди.
- ◆ **Эртага** Тошкентда республика фтизиатрлари ва пульмонологларининг V курултойи очилади.

Жаҳонда

- ◆ **Кеча** Германия Федератив Республикасида икки Германия давлатининг бирлашувига ўн йил тўлиши кенг тантана қилинди. Шу муносабат билан шарқий Германиянинг қамқоҳоналарда сақланаётган барча собиқ раҳбарлари иши юзасидан амнистия эълон қилинди.
- ◆ **Кеча** Алматида «Нефть ва газ — 2000» деб номланган йиллик халқаро кўرғазма ўз иштини бошлади.
- ◆ **Италия** ташқи ишлар вазири ўз мамлакатининг раҳбарияти Югославияда янги сайланган президент Воислав Каштуничани тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.
- ◆ **Хориж** оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича АҚШда электрон имзо ҳақида қонун қучга кирган. Шу йилнинг июнь ойида Президент Клинтон томонидан тасдиқланган ушбу қонунга кўра янги электрон имзо техника тараққийотининг янада тезлашиши ҳамда бизнес соҳасида ўзаро муомалани енгиллаштириш учун хизмат қилади.
- ◆ **Бугун** Тбилисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тақлифига биноан Грузия — Абхазия зонаси муаммолари бўйича ўтказилаётган музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланади.
- ◆ **Бугун** Парижда АҚШ Давлат котиби М.Олбрайт иштирокида Фаластин мухториятининг раҳбари Е.Арофат билан Исроил Бош вазири Е.Барак ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Музокараларнинг асосий қисми Иордан дарёси фарбий қисмида зудлик билан тинчлик ўрнатиш чора-тадбирларини излаб топилган иборатдир.
- ◆ **Эртага** Америка халқаро фазовий орбитал станцияси учинчига старт берилади. Унинг экипажи таркиби олти америкалик ва бир япон миллатига мансуб кишидан ташкил топган.
- ◆ **Бугун** Истанбулда «Сомех — 2000» йигирма бешинчи халқаро компьютерлар ярмаркаси очилди.
- ◆ **Яқин** Шарқда бир неча кундан буён давом этаётган тартибсизликлар натижасида ҳалок бўлганлар сони элликдан ошди. Курбонлар орасида ёш болалар ва ўспиринлар ҳам бор. Бундан ташқари, икки мингга яқин киши турли даражада тан жароҳати олган.
- ◆ **Кеча** Женевада юқумли касалликлар бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тўртинчи конференцияси ўз иштини бошлади.

Балли, олимпиадачиларимиз!



ВАТАНИГА ЗАФАР БИЛАН ҚАЙТГАН ЎҒЛОНЛАР

Мустақил республикамиз спортчилари ёзи олимпиадаларда иккинчи марта иштирок этишларига қарамасдан тўртта медалини қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида 199 мамлакат ўртасида фахрли 41-ўринни эгаллаганликлари, ҳаваскор боксчилар ўртасида бетимсол Мухаммадқодир Абдуллаев галабаси шарафига узок Сиднейда республикамиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграгани тўғрисида илгари хабар бергандик.

КЕЧА

Тошкент халқаро аэропортида ҳамшаҳарларимиз юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келган олимпиадачиларимизни кутиб олишди.

Аэропортида олимпиада қаҳрамонларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапулат Рисквев, Бош вазир ўринбосарлари Ҳамидулла Кароматов, Уктам Исмоилов қарши олди.

Шу кўни эрталабдан майдалаб ёққан ёмғир ҳам олимпиадачиларимизни элтиб келаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «УК 31002» рақамли А — 310 аэробусини қўнишига яқин тинди.

Ниҳоят соат миллари 13.45 ни кўрсатганида улкан замонавий ҳаво кемаси охира кўниди. Қўниш майдончасини карнай, сурнай, доира садолари тўтиб кетади. Спортчиларимизни кутиб олаётган минглаб ҳамшаҳарларимизнинг қалбларида бениҳоя шодлик.

Самолётдан спортчиларимиз, делегация аъзолари тушишлари билан уларни кўчқоч очиб гулдасталар билан кутиб олган мухлислар билан дастлабки интервьюлар, олимпиада таассуротлари ила ўртоқлашиш онлари бошланди. Айниқса мард ўғлонни тарбиялаб ўстирган, кўзлари йўлда нигорон ота ва онанинг олимпиада қаҳрамони бўлиши Мухаммадқодир Абдуллаев билан кўзда секин ёшлари ила кўчқолашиб кўришган онларни унутиб бўладими.



Биз билан суҳбатда олимпиададан зафар билан қайтган спортчиларимиз ўз таассуротларини қуйидагича ифодалашди.

◆ **Мухаммадқодир Абдуллаев, 63,5 килограммга боксчилар ўртасида олимпиада чемпиони:** — Узок Австралиядан она юртимизга ёруғ юз билан, олтин нишонларни қўлга киритиб ниҳоятга эришганлик

Айниқса, Юртбошимизнинг табрик хатларини кўзимда секин ёшлари билан ўқиб, бошим кўкка етди. Биз спортчиларини шунчалик қўллаб-қувватлаганликлари, галаба сари руҳлангирганлари учун Президентимизга ташаккур билдираман.

◆ **Артур ТАЙМАЗОВ, Эркин кураш бўйича 130 килограммги полвонлар ўртасида кумуш нишон соҳиб:**

раббийларим, ишқибозлар, доимо қўллаб турган бутун ўзбек халқининг хизматлари катта. Келажақда албатта ўзбек заминига олтин нишонлар билан қайтишга ҳаракат қиламан.

Кўтиб олувчилар орасида номи афсоналарга чулганган, жаҳонда «Тошкент йўлбарси» сифатида донг таратган бокс бўйича жаҳон чемпиони ва олимпиа



гимдан жуда хурсандман. Халқимга берган ваъданинг устидан чиқдим. Бу галаба бир оз кечроқ бўлса-да Мустақилликимизнинг тўққиз йиллигига муносиб армуғон бўлди.

— Олимпиадада галаба қозониш учун бор қуч-маҳорату тажрибамни сарфладим. Албатта, кумуш нишонлар ҳам юксак мукофотдир. Менинг ушбу муваффақиятимда му

ада ўйинларининг кумуш совриндори Руфат Рисквевни ҳам учратдик.

◆ **Мухаммадқодирнинг** галабаси туғилган кўни учун энг улкан совға бўлди, — дейди Руфат ака. — Бу онларни 24 йил орқиб кутгандик. Илоҳим, кейинги мусобақаларда боксчиларимизнинг галабалари янада улкан бўлиб, шон-шухратлари ортиб бораверсин.

Ҳа, олимпиадачиларимизни кутиб олиш маросими халқ шодлиғи, катта тўйга айлиб кетди. Уйлаймики, Адинада муваффақиятларимиз салмоғи янада ортади.

◆ **Дилшод ИСМОИЛОВ, СУРАТЛАРДА:** олимпиадачиларимизни кутиб олиш лаҳзалари ана шундай қуввоқ ва байрамона руҳда кечди.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ЎЗБЕКISTON ҲУЖЖАТЛИ КИНОСИ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Москва МДХ ва Болтик бўйи мамлакатларининг 158 дан зиёд телекомпаниялари иштирокида III Европа телефоруми ўтказилди, унда ҳакамлар ҳайъати эътиборига 500 га яқин фильмлар ҳавола этилди. Шуниси қувонарлики, ушбу қўллаб фильмлар орасида «Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильм» жанрида ўзбек ҳужжатли кино усталарининг «Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» туркумидаги «Миллий хавфсизликнинг ҳарбий-стратегик асослари» номли кинотасмаси энг яхши лента деб топилди.

Шуни айтиш керакки, мазкур телеанжуманда мамлакатимиз ўзининг кўп фильмлари билан иштирок этди. «Ўзкинотрофика» ва «Ўзбекфильм» ишларига қизиқиш катта бўлди.

КЕЧА

Киночилар уйда шу муносабат билан ўтказилган матбуот конференциясида «Ўзбекино» ДАКнинг раиси Темуралик

Юнусов фестивалда Ўзбекистон бугунги кунда яхши ривожланган ҳужжатли кино соҳасига эга эканлиги, бизнинг киночиларимиз эса замон билан ҳамнафас қадам ташлаган ҳолда чуқур мазмунга эга қизилкарли фильмларни суратга олаётганликлари кўп марта таъкидланганлигини айтиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Ўз йўналиши бўйича «Миллий хавфсизликнинг ҳарбий-стратегик асослари» фильмнинг энг яхши деб топилгани сиёсий кино жанрида Ўзбекистонлик режиссёрлар бугунги кунда етакчи ўринда эканлигининг яққол далилидир. Фильмга берилган яна бир мукофот ҳам бунни тасдиқлайди. МДХ мамлакатлари Мудофаа вазирлари кенгашининг махсус мукофоти билан бирга суратга олиш гуруҳи раҳбари Владимир Исҳоқовга топширилган диплома — МДХ мамлакатларининг

КУРАШ БРИТАНИЯЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номидаги кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг турли вилоятларидан келган ҳамда Ўзбекистонлик 70 нафар спортчи иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шахсий қўллаб-қувватлаши натижасида миллий кураш жаҳонда кенг эътироф этила бошланди. Бугунги кунда сайёрамизнинг 30 та мамлакатда миллий кураш ассоциациялари фаолият кўрсатмоқда ва спортнинг ушбу тури бўйича миллий чемпионатлар ўтказилмоқда.

Турнирнинг очилиш кўни Бедфорд шаҳрининг спорт марказида Ўзбекистон ва Буюк Британия байроқлари кўтарилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида ўзбек миллий рақслари намойиш этилди.

Британиянинг кураш ассоциацияси президенти, ушбу курашнинг толмас тарғиботчиси Тимоти Томас мусобақа қатнашчиларини қўтлади. «XXI аср бўсағасида Буюк Британияда биринчи халқаро турнир ўткази туриб, Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти жаноб Ислам Каримовга жаҳонда ушбу кураш турининг оммалашшига қўшган катта ҳиссаси учун ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз», деди у ўз нутқида.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Халқаро кураш ассоциацияси президенти К. Юсупов ҳамда Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси А.Файзуллаев сўзга чиқдилар.

Спорт залини тўлдирган минглаб томошабинлар гўзал ва завқли олишувларнинг гувоҳи бўлдилар. Кураш гиламларига турли ёшдаги ва турли вазндаги эркеклар, аёллар ва болалар чиқшиди.

Мусобақалар голиблари ва совриндорлар Британия кураш ассоциацияси томонидан ташкил этилган махсус мукофотларга сазовор бўлдилар. Бу ерда ҳозир бўлган Ўзбекистон делегацияси аъзоси, таниқли шоир Абдулла Орипов ушбу спорт майдонида ёзган шеърини ўқиб берди:

*«Ўзбекининг кураши ҳаммиса ҳалол,
Унда гурром айқидир, айқидир ёмонлик.
Британ дўстларига тилаймиз камол,
Тилаймиз барчага омад, омонлик».*

Мусобақа қатнашчилари Халқаро кураш ассоциацияси фахрий Президенти Ислам Каримовга мурожаат қабул қилдилар.

М.Ёқубов, «Жаҳон» АА.
Лондон.

«ЎЗБЕКISTON — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Жамоатчилик фикрини ўрганиш билан шуғулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган «Ижтимоий фикр» маркази «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида сўров ўтказди.

Сўров Қорақалпоғистон Республикаси тўрт вилоят ва Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилди. Унда Ўзбекистон фуқаролари — республикада истиқомат қилувчи асосий этник гуруҳлар иштирок этди.

Сўровда иштирок этганларнинг 95,7 фоизи фуқаролар ва барқарорлик, умумий уйимизда қарор топган миллатлараро ва динлараро муносабатларга ижобий баҳо берганлиги бунинг далилидир. Сўралганларнинг 26,8 фоизи ушбу муносабатларни жуда яхши, 46,9 фоизи яхши, 22 фоизи эса қониқарли деб ҳисоблайди.

94,7 фоиз иштирокчилар миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов юритаётган оқилона сиёсат самараси деб билди.

Сўралганларнинг кўпчилиги (80,7 фоиз) қатъий ишонч билан билдирган фикрга кўра, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кишиларнинг миллати ва динини қатъий назар муҳофаза қилинган. Ҳар иккинчи одам уларга «тўлиқ риоя қилинмоқда» деб ҳисоблайди. Фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя қилинмаяпти, деб ҳисоблайдиганлар бор-йўғи 4,6 фоизи ташкил этади.

Умуман, тадқиқот натижалари республикада миллатлараро бирик — ўзбекистонликлар деган тушувча юзга келаётганидан далолат беради. «Ижтимоий фикр» маркази миллатлараро ва динлараро муносабатлар жараёнлари ривожланишининг ҳолати ва ўғариши, уларнинг асосий йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг асосий шартлари ҳамда амалдаги шартларнинг, шунингдек жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва миллатлараро барқарорлиқни сақлаш ҳамда мустақамлашга кўмаклашувчи омилларни мунтазам ўрганиб боради.

Умуман, сўралганлар... (УЗА)

Кино анжуманида эътироф этилганидек, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийот қарорлари» асари асосида суратга туширилган туркум фильмларнинг мазкур қисмида давлатимиз раҳбарининг қатъий ва оқилона сиёсати босис нафақат мамлакатимизга, балки бутун дунёга хавф солаётган халқаро терроризм ва нарко-бизнеснинг пайи қирқилаётгани, эл-юрт тинчлиги ва оқилолигини таъминлаётганини акс эттирилган.

Дамир ИСАЕВ.

Пойтахтимизнинг бугунги жамоли ҳар бир ҳамшаҳримиз кўзини куватиб, дилларга фахрлини туйғуларини солаётгани бежиз эмас. Чиндан ҳам Шаҳиди машаъл Тошкентимиз кундан кунга яшариб, яшнаб чирой очмоқда. Бу чирой, бу кўркамлик улкан бунёдкорлик ишларининг самараси, кўли гул қурувчиларимиз меҳнатлари маҳсулидир.

Тошкентлик бунёдкорлар иш суръатини оширган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Шаҳримизнинг Гавҳар ва Қатортол кўчаларини бирлаштирувчи кўприк ва магистраль йўл тез кунларда фойдаланишга топширилиш арафасида. Шу боис ҳам бугун бу ерда меҳнат қилаётган кўприксоз ва йўлсозларнинг кўли-қўлига тегмайди.

Кўприк қурилишида асосий ишлар ниҳоясига етган бўлиб, «Собир Раҳимов» метро бекатидан «Отчопар» буюм бозорига қадар давом этган катта йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари ҳадал суратларда олиб боришмоқда. Бу чинакам бунёдкорлик майдонига айланган, кўприксоз ва йўлсозларнинг гайрати эвазига қад ростлаётган объектда юзлаб қурувчилар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Улар орасида барча касб эгалари-

ни учратиш мумкин. Уларнинг диққат-эътибори қурилиш ишларини тез ва соз баҳарлаш, транспорт воситалари ва йўловчиларга қулайлик яратишга қаратилган.

Жаҳон андозаларига мос ушбу 8 тасмали йўлни «Узавтойўл» концер-


чиларга камарбаста бўлишмоқда. — Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, — дейди «Тошйўлқурилиш» трести бош муҳандиси Равшан Гаддобоев, — йўл қурилиши ишларида «Узавтойўл» концернининг барча вилоятлардаги бўлимлари, республи-

да меҳнат қилиб етарли тажриба тўплаган. Қўйилган йўл ийли бунёд этилган кўприк, Сағбон, Форобий, Қорасарой, Фарғона йўли кўчалари, «Боги эрам», Бобур номи боғлар қурилиши бунинг яққол далилидир.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, бунёдкорлар томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кўприк ва йўл қурилиши билан биргаликда «Собир Раҳимов» метро бекати ва «Тошкент» вокзалида транспорт воситалари йўналишида қулайлик туғдириш ҳамда йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 180 метрлик ер ости пивдалар йўли ҳам барпо этилди. Шунингдек, «Отчопар» буюм бозорига чикш йўли олдидаги пивдаларнинг ўтиш йўли қайта таъмирланди, кенгайтирилмоқда. Ушбу қурилишлар нафақат шаҳримиз аҳолиси, балки республикамизнинг турли вилоятларидан бозорга келиб-кетувчилар учун ҳам яратилган катта қулайликдир.

Халқимиз ҳамisha йўл ва кўприк қурилишини улкан савобли ишлардан эканини таъкидлаган. Ана шундай эзгу ишга бош қўшиб, йўллари раво, дилларни равшан этаётган бу ердаги қурувчиларнинг тез кунларда ниятлари ушалади. Катта кўприк ва раво йўлдан транспортлар катнови-га яқин кунлар қолди.

Шарифа ИЛЁСОВА.



СУРАТДА: қурилиш ишларида фаол иштирок этган ишбоши Сергей Рассохин, уста Нурали Собиров ва йўлсоз Абдуҷаббор Қайюмовлар. Тохир Нигматуллин олган сурат.

Қурилиш ЙЎЛЛАР РАВОН — ДИЛЛАР РАВШАН

ни буюртмасига кўра «Автомагистраль» бирлашмаси ва «Тошйўлқурилиш» трести ҳамда бошқа ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг 1000 нафардан зиёд бунёдкорлари қуришмоқда. Кетма-кет келтирилаётган зарур қурилиш маҳсулотлари, Германия, Швеция ва бошқа хорижий давлатларнинг йўл қурилишида ишлатиладиган энг қулай, замонавий техника воситалари йўлсозларга мадад бўлмоқда. Бу ерда 300 дан ортиқ юк машиналари ҳайдовчилари ҳам ўз вазифаларини сидуқидилдан адр этишмоқда. «Тошшаҳарюктранс» ва «Тошвиллоктранс» ҳайдовчилари қурув-

ка кўприк қурилиш трестининг Андрихон, Гулистон бўлимлари йўлсозлари ҳам фаол иштирок этдилар. Мазкур йўлнинг узунлиги 3 километр 400 метрни, эни эса 50 метрни ташкил этади. 6 та тасма эса транспорт воситаларининг юқори тезликда тўхтовсиз ҳаракатланишини таъминлайди. Йўл ўтказгич атрофидаги айланма йўллар узунлиги 5 километрлик масофани ташкил этиб, уни асосан бизнинг йўлсозларимиз баҳармоқдалар.

Айтиб ўтиш лозимки, «Тошйўлқурилиш» трести бунёдкорлари бундай масъулиятли қурилиш участкалари-

Ижтимоий ҳимоя

Кам таъминланган, кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, саҳоват кўрсатиш — савобли ишдир. Халқимизга хос бундай хайрли ишларни амалга ошириш пойтахт қасаба уюшмалари Кенгаши фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Фозил Рўзиевков бу борада баҳарилган ишлар хусусида жамоатчи муҳбиримизга қуйдагиларни сўзлаб берди:

Шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши «Соғлом авлод» давлат дастури доирасида республика Мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида меҳнат жамоалари ва ўқув юрталарида хизмат қилаётган кам таъминланган кўп болали оилалар фарзандларини дарслик, ўқув қуроллари билан таъминлашда муайян ташкилий ишларни амалга оширди.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда ёқилғи-энергетика, геология ва кимё sanoати корхоналарининг хўжа-

жиҳозлари сотиб олиб, уларга тортиқ этди. Уюшманинг бу хайрли иши 3-автотобус саройи транспортчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Улар ҳам шу жамоада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 125 нафар фарзандларига янги ўқув йили совғаларини тарқатди. Шунингдек, бу жамоа транспортчилари фарзандлари таълим олаётган мактаблар билан яқин алоқа боғлаб, уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқдилар.

Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган эҳтиёт қисмлар ва материалларни маҳаллий хом ашё негизда ўтказиш юзасидан темир йўл тизими бўйича 2005 йилгача бўлган мўлжалланган республика дастури яратилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат хиссадорлик темир йўл компанияси томонидан ишлаб чиқилган бу муҳим йўриқнома мамлакатимизга четдан валютага сотиб олиб келинаётган sanoat моллари ҳажминини қискартириш борасида қўрилайтган тадбирларни амалга оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шуниси эътиборлики, компания ана шу дастур доирасида қатор ибратли ишларни амалга оширишга киришди. Импорт ўрнини бо-

садиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш бўйича ҳам режалар тайёрланди. Компаниянинг маркетинг хизмати томонидан ташкил этилган кўргазма ҳам қутилган натижасини берди.

Саноат

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

— Бугунги кунда аъло сифатли эҳтиёт қисмлар, материаллар ва асбоб-ускуналарни ўзимизда ишлаб чиқаришга эришиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди, — дейди компания маркетинг хизмати бошлигининг ўринбосари Мирпўлат Мирҳамидов. — Шу сабабли ҳам компаниямизда импорт ўрнини бо-

лаб чиқариш марказлари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилди. «Тошкент трактор заводи» давлат хиссадорлик жамияти, «Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» хиссадорлик жамияти, Тошкент агрегат заводи, «Ўзэлектромаш» корхонаси экспонатлари ҳам кўргазмага ташриф буюрганларнинг

эътиборини тортди. Ана шу сабабли ҳам компания ана шу корхоналар билан шартнома тузди. Жумладан компаниянинг вагон хўжалиги, электр таъминоти хўжалиги қўллаб маҳсулотлар учун буюртмалар бердилар. Шунингдек, компанияда эндиликда қўллаб sanoat корхоналари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузишга эътибор кучайди. Айни вақтда темир йўл транспорт санoati эҳтиёжи учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни тайёрлаш билан боғлиқ ҳужжатлар намуналари ҳам тайёрланди. Бу эса ўзимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни қўллаб ишлаб чиқариш имконини беради.

Ақбар АЛИЕВ.

Транспорт

МЕТРО БЕКАТИДА МУЗЕЙ

Йўловчилар учун энг ишончли ва қулай транспорт воситаларидан бири метродир. Шу боис ҳам ҳамшаҳарларимиз унинг учинчи — Юнусобод йўналишида қурилиш ишлари ниҳоясига етиб поездлар қатнови йўлга қўйилишини интизорлик билан кутмоқда.

Ушбу йўналишда бунёдкорлик ишлари кизгин давом этмоқда. Метронинг атоқли олим Ҳабиб Абдуллаев номи билан аталувчи янги бекатида ҳам асосий қурилиш-тиклаш ишлари туғаланиб, пардозлаш юмушлари бошлаб юборилди. Мазкур бекат шаҳона меъморчиликка хос нафис безаклардан сайқал толмақда. Шунингдек ушбу бекатда ўзбек геология фани ривожига улкан ҳисса қўшган аллома Ҳабиб Абдуллаев номи абадийлаштириш билан боғлиқ ажойиб ёдгорлик ҳам ўрнатилди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, бекатдаги платформадан бирида республика геология музейи жойлашадиган бўлди. Ўзбекистон Геология ва минералогия ресурслари Давлат қўмитаси саъй-ҳаракати билан бунёд этилаётган мазкур музей экспонатлари ўрта Осиё геологияси фани тараққиёти ҳақида ҳикоя қилади. Унда Ҳабиб Абдуллаев кашфиётларини ўзида акс эттирган экспонатларга кенг ўрин берилди.

Аҳмад АШУРОВ.

ХАЙРЛИ ИШНИ ҲАМИША ҚИЛИШ КЕРАК

лик раҳбарлари ва қасаба уюшма ташкилотлари ўрнатилган тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 91 оиласининг ҳар бирига дарсликлар сотиб олиш учун 8 минг сўмдан 10 минг сўмгача, тармоқ меҳнаткашларининг 6930 нафар фарзандларининг ҳар бирига ушбу мақсадлар учун 3 минг сўмдан 10 минг сўмгача маблағ ажратиб берди ва жами бўлиб бу ишларга 29 миллион 14 минг сўм харажат қилди.

Маҳаллий, мебель sanoati ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари ва қасаба уюшма қўмиталари ушбу мақсадлар учун 9 миллион 756,5 минг сўм маблағ сарф этиб, шундан 8 миллион сўмни тармоқ меҳнаткашлари фарзандларига ўқув қуроллари ва устки кийим-бош сотиб олиш учун, 536,5 минг сўмининг ёзув ашёлари, ранец ва пойабзал олиб бериш учун ажратдилар.

«Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖнинг маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси корхонанинг «Меҳрибонлик» хизмати орқали авиасозлар фарзандларини мактаб қуроллари билан таъминлаш учун бир миллион сўм харажат қилди, ўз корхонасининг филиалида ишлаб чиқарилаётган ранецлардан 250 тасини бирлашма меҳнаткашлари фарзандларига ҳадя қилди, ўқув йили арафасида ишчи-хизматчиларини фарзандлари билан бирга байрам дастурхонига таклиф этди.

«Тошшаҳарйўловчиранс» Давлат уюшмаси бошқаруви ҳамда қасаба уюшма қўмитаси ҳам янги ўқув йилига фарзандларимиз учун яхши совғалар ҳозирлади. У ҳомий ташкилоти сифатида икки ярим миллион сўм ажратиб, бу маблағга меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланаётган ўғил-қизларга дарсликлар, ўқув

Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшмасининг шаҳар қўмитаси ўз тасарруфидаги 121 та корхонадан 545 минг сўм маблағ жамлаб, уни мактаб кутубхоналарининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси ҳисобига ўтказиб берди. Металлургия ва машинасозлик тармоғи корхоналаридан «Тошкент трактор заводи» ДАЖ, «Тошқишлоқмаш» ва «Ўзбектўқимаш» жамоалари ўз оталигидаги умумтаълим мактаблари биноларини таъмирлаш ва жиҳозлашда маълум ишларни амалга оширдилар.

2000-2001 ўқув йили арафасида «Тошкент универмаги», «Тошмаргё» ва «Сувсоз» корхоналарида, «Тошгипрогор» ва «159-қурилиш трести» акциядорлик жамиятларида, 2-Тошкент Давлат тиббиёт ва маданият институтларида, шаҳар клиник руҳий касаллар шифонасида ва бошқа бир қатор меҳнат ва ўқув жамоаларида дарслик, ўқув қуролларини меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларига тантанали равишда топшириш маросимлари уюштирилди.

Мазкур ўқув йили арафасида пойтахт меҳнат ва ўқув жамоаларининг кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларини дарслик, ўқув қуроллари билан таъминлашга сарф қилган харажатлари 55 миллион 296,5 минг сўмин ташкил этди.

Буюк келажақни соғлом авлод яратиши. Бунинг учун фарзандларимиз ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишишлари керак. Ёш авлоднинг соғлом, маърифатли, зиёли бўлиб етишишлари учун пойтахт қасаба уюшмалари Кенгаши бор имкониятдан оқилона фойдаланиб, муносиб хиссасини қўшаверади.

Сўхбатдош
Улуғбек ПУЛАТОВ.

Ҳамкорлик

ЯПОНИЯ ГРАНТИ


Ўзбекистонда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни кенг йўлга қўйишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бундай муҳим ижтимоий аҳамиятга молик ишни амалга оширишда чет эл сармояларидан ҳам фойдаланилади.

Жумладан, Япониянинг халқаро ҳамкорлик алоқалари агентлиги ҳам бу соҳада яқиндан қўмақ бе-

аждати ҳам кўзда тутилди. 10 миллион доллар миқдоридagi бу грант энг замонавий тиббий асбоб-ускуна ва аппаратлар учун сарфланади.

Бундан ташқари марказ турли вакцина ҳамда совутиқ қурилмаларига эга бўлади. Бунинг учун Япония томони уч миллион доллар қийматидаги эга бўлган яна бир грант ажратди.

Анвар ВАЛИЕВ.



Замонавий бинолар — шаҳримиз кўрки.

Туман ҳокимликларида

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Яккасарой тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган йилги туман ҳокими Алишер Мирҳосенов Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан Яккасарой туманидан мукофотланган 16 кишига туман ҳокимлигининг сазалик совғаларини топширди.

Шундан сўнг 2000-2001 йилги киши

мавсумга тайёргарлик бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида сўз берди. Йилги газета, шунингдек туманда 2001 йилга газета-журналларга обунани ташкил этиш масаласи ҳам кўрилди.

Йилги туман ҳокимлигининг сазалик совғаларини топширди.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Қандай ҳолларда эринг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйиши ман этилади?

Жавоб: Хотиннинг ҳомилдорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Савол: Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби қандай?

Жавоб: Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чикарған ҳал қилув қарори қонуний қучга кирган, ўн кун ичида туман кўчирма никоҳ тўзилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексидан.

ЛОҚАЙДЛИК

Бекатда автобус кутиб турсам, қулгимга шовқин-сурон эшитилди. Қараб, ачинарли манзаранинг гувоҳи бўлдим. 9-10 ёшлар атрофидаги болани урта 17 ёшлар ҳамасидаги қизлар ўртага олиб, ниманидир хал қилишар эди.

Бекатдагиларнинг кўзи уларда. Томошабин

Муносабат

кўпайган сари қизларнинг овози баландлашар эди. Тўғриси айтсам, уларнинг оғзидан чиқаётган гапларни эшитиб, улар айтган гапларни эшитиб уялсан киши. Катта ёшлар уларга қараб бош чайқаб қўйишар, лекин ҳеч қим улар олдида бориб, «Хай, нима деясан, уялсан-чи?!» дегиси келмасди. Бир-икки йилгит уларнинг ёнидан қулиб ўтиб кетишди. Ёш боланинг калтак ёйишига, қизларнинг овозларини баралла қўйиб бақир-ришларига барча лоқайд эди. Агар бола чинқириб юборганида, бу лоқайдлик қачонгача давом этади. Боланинг чинқирганидан сўнг барча у томон шошилди. Қарашса,

ҳалиги қизлардан бири қўлидаги тош билан боланинг бошига урган экан. Қонни кўрса-да, ҳамон болага ҳаҳр билан қараб турган қизга бир аёл яқинлашиб, уни уришга кетди. Болага тиббий ёрдам кўрсатилиши керак эди. Унинг ёнида турганлардан бири автомат-телефондан тиб-

бий ёрдам чикаргани жунди. Яқин атрофдаги уларнинг биридан дока олиб чиқилгани, болага биринчи тиббий ёрдам берилганини кўриб, автобусга хотиржам чикаб кетдим.

Йўлда кетаётганимда, мингма ҳамон бир фикр чарх уради: «Лоқайдлик одамларнинг қон-қонига синиб кетган-да. Агар биз лоқайд қараб турмаганимизда, жанжал бошидаёқ қизлардан болакайни ажратиб олганимизда, унинг боши ёрилмасми?»

Енимизда бировни уришаётганим, сўқийаётганим, ишимиз бўлмай, ҳар нарсаларга лоқайд, бефарқ қарайверсам, бунинг оқибати нима бўларкин?

Азиза ИЛҲОМОВА.

Умумий оқватлини соҳасини ривожлантириш, шаҳримизда пазандалик ва қандолатчилик касбларининг нуфузини янада ошириш, бу соҳадаги ёш ва умидли иштирокдорларни аниқлаб, тажрибаларини оммадаштириш мақсадида «Шератон — Тошкент» меҳмонхонасида икки босқичда катта муваффақият билан ўтган танлов тўғрисида газетамизда хикоя қилгандик.

Кунги кеча шаҳримиздаги «Наврўз» тантаналар уйида «Шаҳарнинг энг яхши пазандаси» ва «Шаҳарнинг энг яхши қандолатчиси» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан «Шератон — Тошкент» ресторанининг бош ошпази Пореди Рамеш иштирокчилар ўз соҳалари бўйича катта маҳорат кўрсатиб ажойиб таомлар ва янги қандолат маҳсулотларини тайёрлаганларини таъкидлаган ҳолда улар ижодий маҳоратларига юксак баҳо берди.

Сўнг олқишлар остида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов пойтахт ҳокимлиги ва «Шератон — Тошкент» меҳмонхонаси ташаббуси билан ўтказилган танловнинг барча ғолибларини махсус совғалар билан тақдирлади. Жумладан, мутлақ ғолиблар: «Ёшлик таом» жамоа корхонасининг ошпази 29 ёшли Абдувоҳид Соҳиевга «Дамас» автомобили, «Наврўз» ресторанининг 23 ёшли қандолатчиси Рустам Маҳидовга эса «Тико» автоловининг калитлари топширилди. Иккинчи ўрин соҳиблари бўлиш «Шератон — Тошкент» ресторанининг ошпази Насиба Тўлаганова ҳамда ушбу ресторан қандолатчиси Лариса Гукасвалар музлатгич билан тақдирланди. Учинчи ўринни



Танловлар

ҒОЛИБЛАР АВТОМОБИЛЬ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

эгаллаган ошпаз ва қандолатчиларнинг маҳорати эса ойнаи жаҳон соврини билан боҳоланди. Танловнинг ҳар иккала мутлақ ғолибини «Кока Кола ЛТД Тошкент» қўша корхонаси ҳам ўз махсус совғалари билан мукофотлади.

«Шератон — Тошкент» ресторани танловни юқори даражада ташкил этгани, «Наврўз» ресторани танловни ўтказишга ўзининг катта хиссасини қўшгани учун, «Диёр»

ресторани эса Тошкент шаҳридаги йилнинг энг яхши ресторани деб топилгани учун пойтахт ҳокимлигининг дипломлари билан тақдирланди.

Шу кунги бирорта қатношчи ҳам қимматбаҳо совғалардан бебаҳра қолмади — уларга ҳомиёрлар томонидан ажратилган микротўқинли печлар, ошхона комбайнлари, электр миксерлар, сарой сервислари, тефаль чойнақлари топширилди.

Тақдирлаш маросимига таширф буюрганлар танлов қатнашчиларининг мазали таомларидан тановул қилган ҳолда мустақиллигимизга эришганимиздан кейин республикамизда илк бор ўтказилган ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлишди. «Томоша», «Жоним» гуруҳлари, Улуғбек Отажонов, Бахтиёр Султонов, Жаҳоҳир Зокиров, Ирода Йўлдошева, Райҳон Ганиевалар ижросидаги қувноқ ва мафтункор қўшиқлар тадбирга ўзгача ғайз киритди.

Шуниси эътиборга лойиқки, танлов ғолибларидан тўзилган жамоа 2001 йилнинг январь ойида Мальтада ўтказиладиган Бутун дунё пазандалари кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

СУРАТДА: танлов ғолибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Бани башар фарзанди қийналиб қолганида, чорасиз бир ҳолатда, етмиш икки томири эгилиб, кўзи хиралашиб, руҳи тушиб, юзи сўлгин ва кўли пастга тушган ҳолда нажот излаб, бировлардан минг бир ҳижолат билан виждонини ўртага қўйиб қарз сўрайди. Лафз қилади, ваъда берадики, олган қарзини вақтида қайтараман деб.

Бурди кетиб, ваъдасига вафо қилмаслик лафзсизлик киради...
— Бу фоний дунёда яхшилик мақоми жуда ҳам баянли туради. Чунки кимки бир мискин-у фақирга саховат кўрсатса, савоб иш қилган бўлади. Умр ўткинчи, ҳаёт абадийдир. Бу дунёда ҳамма ҳам бир хил яшай олмайдилар, биров бой, биров камбағал, аммо бахти ўнг келиб, омади келса, камбағал ҳам бойиб кетиши мумкин. Ёки толе терс келиб, бой ҳам камбағаллик тўнига ўраниши табиий. Ҳаёт шундай! Унинг қонуниятлари факат биргина яратган эгамга аён. Хом сут эмган банд умргузаронлигида не-не машаққатларни ўз бошидан кечирмайдилар, дейсиз. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, илмлилик, тўғрисиқлик, сабрбардошликка одамни оғир ва мушкул аҳволлардан олиб чиқиши мумкин. Бироқ... Холва деган билан оғиз чўчимайдилар. Одатда имконият излаш, тадбиркорлик, сидқидилдан меҳнат қилишлик, тиришқоқлик ҳар бир одамнинг аввало ўзига боғлиқ. Нолан илтижо қилиб, меҳнат қилмасдан, Оллоҳдан молдавлат ёки амал сўрашлик уят иш. Оллоҳ ҳам ҳаракат қилганга баракат беради. Ҳаракатнинг боши меҳнат, меҳнатнинг таги эса роҳат, дейдилар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд: «Дилба ёру — дастбақор», дейдилар, яъни қалбинг Оллоҳ таоло ёдида бўлсин, лекин қўлингни меҳнатдан олма. Ҳаёт қизиқ, бировлар ўз манфаати йўлида бошқаларни алдаб, қарз сўраб, ўз ҳаётини яхшилаб олмақчи бўлади. Баъзан эса олган қарзини вақтида бермайди ёки бутунлай бермаслик баҳоналарини ҳам излайди. Шунинг учун ҳам халқ орасида «Қарз берганинг бир юзи қаро» дейилган мақол бор. Чунки, қарз олувчи минг баҳоналарни рўқач қилиб, ҳатто Оллоҳни, унинг қаломини «Қуръони Карим»ни ўртага қўяди. Ҳа, шундан кейин ҳам қарз берган одам, минг бор ҳижолатлар билан, икки юзи қаро бўлиб, ўзи берган қарзини, ўзи сўрайди. Шунда ҳам қарз олганнинг қўли баянли, у турли баҳона-важларни рўқач қилиб, олган қарзини кўп ҳолларда бермайди.

Одатда қарз берган киши, қарз олган кишидан уч мартаба қарзини сўраши керак. Агар шунда ҳам бермаса, у ҳолда «Худо йўлига садақа» деб воз кечиши лозим. Бўлмаса, унинг зарари қарз берганга ҳам тегиб қолиши мумкин экан.

Муқаддас китобларда кимки хайру саховат қилса Оллоҳ таоло унга битта савоб беради. Аммо қарзи ҳасана берса ўнга савоб олади, дейилган. Де-

мак, қарз ҳисобига ҳолат чикаришликнинг фазилати ва ҳосияти жуда ҳам юқори турар экан. Шу билан бирга қарзи ҳасана ўз вақтида узилмаса, унинг гуноҳи бирга юз, юзга минг бўлиб қайтади. Буни қарз олганлар билиши лозим. Албатта қарз олиш осон, уни ўзиш эса анча қийин ва мушкулдир. Қўлингча «Қўрпанга қараб оёқ узат» деганларида ана шу жиҳат эътиборга олингани аниқ. Қизиги шундаки, «Андак бўлса ҳам гам ёмон, бир танга бўлса ҳам қарз ёмон», деган улғу бобоқалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари. Дарҳақиқат, қарзнинг шундай турлари борки, бу маънавият билан ҳам боғлиқдир. Бир одамнинг белгиланган вақтдан кечики келиши ҳам қарзга ўтади. Чунки бу ўтган вақтда қанчалаб ишларни бажарган бўларди. Буни вақт қарзи дейилади.

ки, қарзни бермайман дегани бу. Ҳа, қоғоз кашф этилмаган, ҳали қонуналар ишлаб чиқилмаган пайтларда ҳам одамлар бир-бирларига қарз бериб, қарз олган пайтлар бўлган. Виждон, лафз, бурд, субут деган олий туйғулар ҳукмрон бўлган ўша пайтларда ишонч йўқолмаган. Энди эса «Сен қонунаштирамагансан, асосинг йўқ» деб баҳона қилишади. Бу уятку? Ахир, ваъдага вафо қилмаслик аймонсизликка киради. Қўшни бўлса, бир қишлоқда ёки бир уйда, бир ташкилотда ишласаю яна мунофиқ, риёкор ва гирромлик қилишса, бундан ёмони ва хунуги бўлмайди-ку?!

Ё, алҳазар, деб ёқа ушлаб қоламиз. Бу дунёда ҳамма ҳам билиб-билмасдан гуноҳ ишлар қилиши мумкин. Лекин одам боласи қарзни обдон ўйлаб, билиб олади-ку.

Мулоҳаза

ЛАФЗСИЗЛИК ХУСУСИДА

Ҳозирги пайтда қарз олувчилар ҳам, қарз берувчилар ҳам етарли. Чунки, қарз берувчи сўхдур фойда кўрувчи, қарз олувчи эса устама фозизи билан уни қайтарувчидир. Буни қарз олаётган одам, албатта билиши керак. Аммо қарзи ҳасанада устама фозизи олинмайдилар. Шу сабабли ҳам унинг савоби жуда ҳам баянли туради. Лекин айни пайтда қарзи ҳасана берувчилар ҳам алданиб қолаётдилар.

Яқинда бир дўстимнинг хотини ҳасрат қилиб қолди. Ён қўшнисини ва бир ташкилотда ишлайдиган танишига қиз чорловига зарурат учун бир ҳафтага 400 доллар қарзи ҳасана берибди, қарангки, бир ҳафта бир ойга, сўнг эса бир йилга қўшилибди. Хуллас, орадан беш йил ўтибдики, ҳануз қарз олган оила турли баҳоналарни рўқач қилар эмиш. У бир кунги уйига келса, унга хотини қарз берганининг устидан шикоят қилибди. Алал оқибат қарз олган аёлнинг эри қарз берганининг ҳўжайинига учрашиб, нега қарзини сўрайсизлар деб дўқ-пўписа қилибди.

— Қизик одам экансиз? Аввало хотинингиз мандан қарз олмаган. Аёлларнинг иши, ўзлари бу масалани ҳал қилиб олаверсинлар, — дебди у.

— Йўқ, сиз хотинингизга айтинг, энди қарзини сўрамагин.

— Биродар, ахир, қарз олган ваъдасига, лафзига қўра, ўзича бермаса, албатта сўрайди-да, — дебди у.

— Билиб қўйинг, хотинингизнинг қарз берганлиги ҳақида ҳеч қандай қонуний ҳужжат йўқ, милицияга учрашасизми, судга берасизми исботлай олмайсиз, — дебди қарз олганнинг эри. Демак-

Наваҳорийнинг «Дурул мажолис» асарининг «Амирал мўминин Али қараммиллаҳу ваҳжақинг зикрида» деб номланган бобида шундай ҳадис бор: бир кунги Ҳазрат Али Фотимани тушларида кўрсалар, Фотима жаннат эшигиде турганмиш, Ҳазрат Али:

— Эй Фотима, нега жаннатга кирмай турибсиз? — деб сўрадилар. Шунда Фотимаи Зухро:

— Қандоқ кирай, ҳануз жаннатга киришга руҳат йўқдур: сабаби бир кишининг ҳаққи бўйинида эмиш, ё Али, ҳамсоя хотиндан тикиш учун бир игна сўраб олган эдим, қайтариб беришни унутибман, ўша игнани тезда эгасига қайтариб берсангизгина, мен жаннатга қираман. Буни орқага сўрамангиз.

Ҳазрат Али бу тушни кўриб уйғондилар.
Назар қил Фотиманинг холига сен, Ки зулм қилма кишининг молига сен...

Ҳазрат Али тезда игнани эгасига қайтариб бердилар, сўнгра яна бир кеча туш кўрдилар. Қарасалар, Фотима Разиаллоҳу Анҳу жаннатда бир баланд тахт устида ўтирибди. Ахир бир игнанинг ҳаққи шунчалик бўлса, юзлаб, минглаб ўз сўмишимизни ёки бир неча минглаб АҚШ долларлари ҳисобида қарз олиб, уни бермаганларнинг ҳоли не кечар экан.

Ҳа, биз фақирларга биби Фотима воқеаси катта сабоқ бўлгусидир. Ҳамсоясидан арзимган игнани олиб, уни қайтариб беришни унутгани учун Фотима жаннатга қиролмабдилар. Ахир, юқоридаги расмоннинг хотинига ўхшаганларнинг аҳоли на бўлмай?

Қарз ва омонат бир-бирига мос келади. Қиймат қарз, деган гаплар бе-

корга айтилмаган. Ҳар иккиси ҳам одамни бебурд ва субутсиз қилиб қўяди. Қарзни, омонатни вақтида ёки олдинроқ қайтарилса, эгасига берилса, унинг савоби кўп бўлади. Аксинча...

Омонат ҳақида «Қуръони Карим»да: «Парвардигорингиз сизларни омонатга хиёнат қилмасликка чақиради», деган оят бор. Шунингдек, ёшлар тарбиясида қуйидаги ҳадиснинг ҳосияти ҳам баянли. Пайғамбаримиз (САВ) «Ҳар доим кишиларни омонатга хиёнат қилмасликка чақирардилар, омонатга хиёнат қилганларнинг эса имони йўқ», деганлар. Чунки, бугун омонатга хиёнат қилган одам эртага ота-онасига, ёру дўстига, халқи ва қолаверса энг азиз Ватанига ҳам хиёнат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёшларимизни қарзга, омонатга хиёнат қилмаслик руҳида тарбиялашимиз муҳимдир.

Одатда гапнинг ҳам омонати бўлади. Одатда сўзининг ҳам қарзи бўлади. «Омонат гап эди» ёки «Қарз сўз эди», қабилидаги сўзлар бунинг исботидир. Бизнинг ўзимиз ҳам, жонимиз ҳам омонатдир. Оллоҳ уни хоҳлаган пайтда олади. «Омонатингни олгин», — дейилганида, бу — жонга ишорадир.

Исломи динининг энг яхши жиҳатларидан бири, тўғрисиқлик, сабрбардошлик, шарму ҳаёлик, мискинлик ва камтаринлик, покдомонлик, ҳалолликдир. Бундай кишилар иймон-эътиқодли ва омонатга хиёнат қилмайдиганлар сирасига киради.


Ҳа, одам одамга ганимат, бир-биримизни аяб яшайлик, иймон-эътиқодли бўлайлик, ҳуда-беҳудага бир-биримизни ҳафа қилиб қўймайлик. Борига қаноат қилайлик. Зеро обрў орттиришининг йўлида қарзга ботиб, уни тўлаи олмамасликдан ёмони йўқ экан. Юқоридагидек ҳолатларга тушиб қолмайлик. Азиз ота-оналар, тўй-ҳашамларни, бошқа турли хил маросимларни имконият даражасида ихчам, режалли, осон ва тартибли қилиб ўтказайлик. Дабдабали тўй қиламан деб ўйламай олинган қарз, сизни, аввал фарзандлар олдида, қолаверса ҳеш-ақраболар ва маҳалла-қўй олдида уятга қолдиради. Қарзини урдасидан чиқиб, ваъдасига вафо қилиб, ўз вақтида қайтаринг. Бўлмаса юзингизни қаро, иймонингизни синиқ қиласиз.

Одоб-ахлоқнинг баҳоси йўқ. Лекин, одобсизлик ҳаммаша ҳам дилни вайрон айлайди. Қарзни олиб, ўз вақтида бермаслик ҳам одобсизликка, маънавиятсизликка киради. Шу билан бирга бурдни йўқотади, одамлар орасида ишончсизликни юзага келтиради. Бундан ёмони йўқ. Ваъдабоз, бурдсиз, лафзсизлардан одамлар қочади.

Келинг, азизлар, доимо ваъдага вафо қилиб, лафзли, бурдли бўлиб юрайлик. Бундай олий туйғулар ҳаммамизга ошно бўлсин.

Абдулхамид ҲАБИБУЛЛАЕВ.

ШАРҚ ДУРДОҲЛАРИ



◆ Форс донишманди Барзув ал-Ҳаким айтади: — Ҳар бир нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаки пайдо бўлган бўлса аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Хусусан, яхши ҳаёт кечириш сабаби, мураса, ифбат сабаби ўзгаларга ёмон ният билан кўз тикмасликда, жудодик сабаби азоб, адоват сабаби хилоф, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улғулик сабаби тавозе!

— Ҳар ким дўст тутишга қодир бўлмаса душманга қарши иш тутишда ҳам ожиз бўлади. Кишини сўзига қараб эмас, ишига қараб билиш мумкин.

«Жовидони хирод»дан.

◆ Унутмагинки, мушкул воқеаларда ва оғир ҳодисаларда маслаҳатлашишдан кўз юмиб бўлмайди. Маслаҳат қилмоқчи бўлсанг, маслаҳатни ҳикмат аҳиллари ўткир ва фикрлари теран бўлади. Чунки айтилди:

Теран фикрни доим кексалардан қидиринг, Баҳор суварли кўзда мусофалок топади.

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор!

Байт:

Зулм асосига қурилган бино,

Ғазаб оташидан вайрон бўлажак!

◆ Ҳакимлар айтади:

— Эй одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўғриларида сақланган, билинган, бундай ўғриларга чақимчи ва иғвогарлар киради.

Ўғрилар мол ўғирласа бундай кишилар одамлар орасидаги дўстликни, тинчликни, меҳру муҳаббатни ўғирлаб, фитна-фасод кўзгатадилар.

◆ Бир олим айтади:

— Энг ёвуз ва ярамас одам шундай одамки, ўзгаларнинг айбини топишга интилади, гап ташиб, дўстларни бир-бирдан жудо қилади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»дан.

◆ Ҳикмат. Ҳар ким ростлик йўлини ихтиёр қилса, сўзида ёлғон бўлмаса зафар унга доимо ёр бўлади.

Елгон сўздан сўзинг қадри кам бўлади,

Кимки ростгўй бўлса мухташам бўлади.

◆ Ардашёр ўтмишининг доно кишиларидан бири эди. У ўз ходимига унча хат ёзишни буюрди. Сўнг унга деди:

— Эй ходим, агар менинг юзимда ғазаб туғенини кўрсанг, бирон нарса устидан қатъий ҳукм чиқармасимдан аввал хатлардан бирини менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса иккинчи хатни кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса учинчи хатни кўрсат!

Айтишларича, биринчи хатнинг мазмуни шундай эди:

— Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилма, шошган киши доимо афсус чекиб, кейинчалик пушаймонлик тортади!

Иккинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди: — Эрким қўлимда деб ўзиндан оғизларга жазо бераверма, кунги келиб баянлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қилган бўлсанг шундай муомала қилишади!

Учинчи хатда эса қуйидагилар баён этилган эди.

— Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ғазабингни босиб, инсоф юзасидан иш кўр!

Шеър:

Мушча қаттиқ чочма отингни, ўзлгон,

Олаб қочса уни қайтармоқ эмон.

Сендан чиққан ҳукм ҳақ ҳукм бўлсин,

Золим ганди қуйсин, ожиз шод қулсин.

Абулбарқот КОДИРИЙ.

◆ Унутмагинки, ер тағида қолган бойликдан, яширилган олтиндан ва бекитилган илмдан фойда йўқ.

◆ Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзининг шаҳвар дур эканини ва уни беҳуда сочш одам учун нуқсон эканини билмайдилар. Эшитишимча Суньо эшигиде қуйидаги панду ҳикмат ёзиб қўйилган экан:

— Тилингни сукунтни ёр қилсанг гам остида хор бўлмайсан!

◆ Душман билмасин ва эшитмасин дега, яшириб юрган сиринг бўлса, бу сирни ҳар кимга айтма. Одам ва олам бир хил турмайди, дўст деб юрганнинг бир кунги душманга айланиб қолиши мумкин. Бундан ташқари қўлингдан келмаган ишни қиламан деб бировага ваъда берма. Хайрли ишни амалга оширишга шошил.

◆ Ялқовлик туфайли камбағаллашган кишини барча ёмон кўради. Дўстлари ҳам ундан узоқлашади, ҳатто болалари ҳам менсимай қўяди. Камбағаллик барча балоларнинг бошланишидир.

◆ Ҳакимлар тайинлаб айтидиларки, ялқов кишилар билан улфат бўлишдан қочиб зарур. Чунки улардан маслаҳат сўралса, улар ўзларининг ялқовлик нуқтани назаридан маслаҳат берадилар. Улар бўладиган ишни ҳам ўзларининг қувват ва идроки тақозоси билан бўлмайдиганга чиқарадилар, кишини ғайрат кўчасидан четга чиқарадилар.

Муиниддин ЖАВАЙНИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Назм



Юздан бир, мингдан бир ҳақиқий аёл,
Маъбуда сингари олқишга лойиқ.

Оҳ, жоним, сен шундай аёсан — маъбуд,

Сенга чаплаб бўлмас на иғво, на кин.
Фақат ҳаёда бор бундайин субут,

Нафосат, назокат, фасоҳатда лаб,
Ҳар бир ҳодисага тафаккуринг соз.

Менинг мақтовимдан сен эркалиниб,
Кулмираб айтдинг «Дунёда ҳар ким,

ТОПСИН ЭКАН ЁРИН,
ЮРАКДАН СЕВИБ...

Сени севаман деб айтганинг ростми,
Эртага сўзингдан қайтмайсанми ёр,

Сўларинг рост экан, ўтди кўп жанон,
Йиллар силсиласи бузмади аҳднинг.

Бир ниҳол ўстириб парвариллашга,
Богбон куч, қуввати етишмаган он.


Сенга жоним айтар сўзим кам,
Сенга жоним етмоғим мушкул,

Йиллар ўтиб сочларимда оқ,
Сени кўрдим ҳамон шўҳ, дилбар.

Нетай ёрсан ўзага бу кун,
Қошигда мен ким деган одам.

Кўнгал ишқидан кечмас эканда,
Билсанг бу ҳол қанчалар мискин.

Кейинги вақтларда юртимиз каратэчилари жаҳон чемпионатлари, кубоклари, бошқа йirik нуфузли мусобақалардан медаллар шодаси билан қайтиб спорт ишқибозларимиз дилларини хушнуд этмокдалар. Бундай муваффақиятларнинг ортида эса ёш каратэчиларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш, Ўзбекистон чемпионати ва Кубоклари орқали энг кучли яккакураш усталарини саралаб, нуфузли мусобақаларда тоблаш йўли билан чинакам иқтидорларни юзага чиқариш юмушлари ётибди.



Каратэ

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА
ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ



Мирбобоев, Ширин Абдухалимова, Зебунисо Хоназарова, Гулноза Бердиева.

Жамоалар ўртасида эса Тошкент профессионал каратэ маркази спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Шаҳримиздаги яна бир «Азамат Карим» клуби ёш каратэчилари иккинчи, Қарши клуби вакиллари эса учинчи бўлишди.

Кубок ва шу йилги бошқа мусобақаларда кўрсатган юқори натижаларига қўра йигирмага янги энг иқтидорли ўсмirlар, шу жумладан Ринат Кутуев, Фазлиддин Сапиев, Санжар Носиров, Умид Ҳақимов, Шерзод Ибрагимов, Отабек Қосимов каби ҳамшаҳарларимиз 1 дан қора белбоғнинг соҳиблари бўлишди.

Фан ва техника ангилликлари

ТУҒМА ҚАРЛАР ЭШИТА ОЛАДИ

Исроилда ишлаб чиқилган янги жароҳлик операцияси жаҳон даражасида нобў бўлиб, қарлар, шу жумладан тугма қар бўлган болакайлarga эшитиш қобилиятини қайтариш имконини беради.

Операциянинг нобўлиги шундан иборатки, ички қулқондаги жароҳатланган товуш механизмининг айланиб ўтиб, қулқоннинг асосий эшитиш органи «чиганок» қулқоқ трансплантация қилинади ва у электродлар билан бевосита милага уланади.

Янги ишланма Тель-Ҳашомердаги «Шива» тиббий маркази ЛОР бўлими мудири профессор Йона Кроненберг томонидан ишлаб чиқилди.

Профессор Кроненберг «Маарив» газетасига берган эксклюзив сўхбатда таъкидлаганидек ички қулқоннинг асосий унсури бўлган қулқоқ чиганоғи операцияларида одатда нозик электродлар сингдирилади ва чиганок эшитиш нервига уланади. Бунда шунга эътиборга олиш керакки, касаллик ёки жароҳатланган ички қулқонда эшитиш қобилиятини йўқотганларда ҳам, тугма қарларда ҳам мазкур нерв узилган бўлмай, шунчаки ўчиб қолган, холос. Қулқоқ мазкур чиганоғи ўз наволатида ички ағрим оборотга айлантирилган спиралли трубкани эслатади ва нозик пленка билан ички бўлимга ажратилган.

Ташқаридан ажборт олиб келган товуш тўқинларини қабул қилиши оқибатида қулқоқ пардаларининг табиғийлигини уларни қулқоқ чиганоғи ва ички қулқоқ махсус қурилмаси ёрдамида механик тебраниларга айлантиради ва чиганокдан эшитиш нервига ўтказилади.

Исроилда ишлаб чиқилган услубиятнинг хусусиятлари шундан иборатки, у умумий нархоз остида ўтади ва икки-уч соат давом этадиган оддий операциялардан фарқи равишда бир соатдан кам вақтни олади ҳамда одатда, мушкул оқибатларга олиб келмайди.

БИОХИМИЯ МАКСАДЛАРИДА

Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси, Қишлоқ ҳўжалик вазилиги ва Арава тараққийот бўлишларини ташаббуси билан ўтказилган лойиҳа доирасида стерилизациядан ўтган бир ярим миллиондан ортиқ майда пашша Исроил, Йордания ва Фаластин муҳорриятларида қўйиб юборилди.

Бу пашшалар мева дарахлари, асосан цитруслиларни йўқоттаётган Урта Ер денгизи пашшасини йўқотишда қўлланилади. Олдий пашшалар билан қўйилганидан кейин у насл бермайди, натижада бундай ҳашаротларнинг янги авлоди пайдо бўлмайди.

Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси ҳузуридаги Биологик химияланган институт доктори Норама Рамлевнинг хабар беришича, ҳар ҳафта мазкур лойиҳада иштирок этаётган ҳудудларда самолётлардан қарий 10 миллион стерилизациядан ўтган пашша чиқариб юборилади. Бунда Негев чўли шимоллий қисми, Гоза минтақаси ва Йорданиянинг Йордан дарёси водийси ҳудудлари ҳақида сўз бормоқда.

ТИББИЁТНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Профессор Маҳмуд Абу Шахра — ички касалликлар ва бирлашиш ҳужайралари автономинет касалликлари соҳаси мутахассисидир. У исроиллик араб шифокорлар орасида фулпрофессор номини олган биринчи ва ҳозирча ягона киши ҳисобланади.

Профессор Абу Шахра ҳозир Бен-Гурион университети араб талбаларини учун ўрнак бўлиши мумкин, лекин у йигирма йил аввал Тель-Авив университетидеда тиббиётни ўқиб юрганида бундай ўрнак олдиган одам топа олмаганлигини эслайди:

— Ёш араб талбалари кўпинча олдинга маслаҳат сураб келишадди. Мен илоҳи борица улар шўбларини аёни эйтиш учун ёрдам беришга ҳаракат қилмаган. Авваламбор улар мен босган йўлдан юришмоқчи бўлишса, уларнинг тўлиқ ўқишга бағишлалари лозимлигини уқтираман. Бахтимга, менинг ҳолимда бундай интилишлар яхши муқофотланади, деб бемалол айта оламан.

Профессор Абу Шахра ёшлигида муҳандис бўлишни орзу қиларди. Лекин онасининг юрак хасталиғи туфайли қирқ тўққиз ёшида вафот этиши режаларини ўзгартиришга туртки берди. Тель-Авив университети ҳузуридаги Сақлар номидаги тиббий мактабининг битирган, Беэр-Шевага кўчиб келди ва тиббий амалиёт билан шугуллана бошлади. Сўнгра уч йил мобайнида Торонода рекмотология ва ўткир қизил тери сили касаллиғи соҳасида мутахассисликка эга бўлди.

Кўп сонли автономинет касалликларидан бири — SLE 30 ёшгача бўлган аёлларга таъсир қилади. Бошқа автономинет касалликларига ўхшаб, бу ҳолда ҳам организм меърида ишлаётган шўхсий ҳужайраларни «ўзгача ҳужайралар» деб хато қабул қилади ва уларга қарши курашадиган антихўжайралар ҳосил қилади. Касаллик тузалмайди, унинг сабаблари ҳали ҳам аниқланмаган.

— SLE билан касалланганлар шу касаллик билан бутун умрини ўтказиши зарур, — деб тушутиради профессор Абу Шахра. — Даволанмаса касаллик ўлимга олиб келиши мумкин, лекин тегилли тиббий тадбирлар ва дори-дармон терапияси ҳам беморнинг ҳаётини янгилаштириши ва камкор оғриқли ҳаёт кечирishi имконини беради.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда автономинет касалликлари ва умуман аёллар саломатлиғи муаммоларига қизиқиш ортиб бормоқда. Профессор Абу Шахра ўз тадқиқотларида мазкур ички ҳижатни бирлаштирмоқчи бўлади. Ёш йил аввал у беш нафар бошқа ревмотолог билан Беэр-Шевадаги Сорока шифохонасида махсус тери сили касаллиғи бўлимини очди. Бу ерда клиник тадқиқотлар ўтказилади, бунинг натижасида яқин орада SLE ва бошқа автономинет касалликларини генетик терапия ёки бошқа замонавий технологиялар ёрдамида тузатиш усули иштиро қилинади, деб умид билдиarmoқда.



TABASSUM

БОҒБОН: Эй, бола, дарахнинг тепасида нима қиляпсан?

БОЛА: Ҳеч нима! Битта олма ерга тушиб кетган экан, жойига қўйиб қўйялман!

ҲАМИД: Катта бўлагинида, кўёшга сафар қилмоқчиман.

САИД: Кўёш жуда иссиқ, унга етмасдан қабоб бўласан.

ҲАМИД: Ўйлаб қўйганман, кечкурун сафар қиламан!

БЕМОР: Жаноб доктор! Менга ёрдам беринг. Ширинликлардан кўпроқ еб қўйибман, қорним орияпти.

ДОКТОР: Бевозта бўлманг, мана бу қотан нонни есангиз яхши бўласиз.

БЕМОР: Нималар депсиз, жаноб доктор! Алар қорнимга бирон нарса сизга, шоколад емасдим.

МАҲМУД: Дунёдаги энг иссиқ жой қаерда?

АЛИШЕР: Шунинг билмайсанми, тандир-да!

АҲМАД: Ярим кечада шошиб қаерга кетаянсан?

ҲАМИД: Уйкум қочиб кетди, уни излаб юрибман.

НОДИР: Нега ёмғирда сойбонни очмайсан!

КАРИМ: Ҳўл бўлмасин деб асраяман!

ОНА: Алижон! Нима, тилинг йўқми, дастурхоннинг ўртасига қўл чўзаясан!

АЛИ: Тилим бор, аммо дастурхоннинг ўртасига етмайди-да!

Бахриддин ТУРҒУНОВ.

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

«Пачоқ машина беришди, лекин тузатиб одам қилса бўлади».

(Шофёр гапидан).

«Чкаловга янги уруғ экдик, бироқ қўзланган ҳосилни ололмадик».

(Бир фермернинг мажлисдаги гапи).

«Киз зимдан кўз қоринга ташлаб, охишта киприк қоққанда, киприги узилиб юрганимга санчилди».

(Ошиқ йигитнинг дегани).

«Танбур навоси сеҳри булбуллар қалбига кириб, сайрашни ўргатди».

(Этюддан).

«Иккала бурунга 2 томчидан 3 маҳал бу дориини томизасиз».

(Дорихонадаги сўхбатдан).

«Ҳовуз бўйида пиширилган баликдан энди ейман деганимда, балик тушмагур ховузга шўнғиб кетди-я».

(Бир хўранданинг дегани).

«Кўнгил шиваси чил-чил синган бўлса-да, қайта ямадим».

(Аразлаган кишининг дегани).

«Эй, жигарим, жигардан 1 кило тор».

(Қассобнинг қариндоши гапидан).

«Кўларим прожектор бўлиб, йўлларингизни ёритиб турса, ўзимни бағоят қаробон сезардим».

(Ошиқ монёртнинг қизга дегани).

Мирамир МИРЗАШАРИПОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Advertisement for Sheraton Tashkent Hotel & Towers. Includes text about the hotel's location, services, and contact information.

Advertisement for 'TOHKENT OQSHOMI' featuring business and real estate services. Includes contact details for a real estate agency.

Бу ажиб дунё
ГАРОЙИБ
БУРЧАК

Токионинг гарбий қисмидаги ҳайвонот боғида «Ер қимирлаши олдидан биладиган бурчак» ташкил қилинган. Унда турли хил жониворлар бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракатига қараб табиий офатни олдидан билиб олиш мумкин.

Ҳайвонот боғининг хизматчилари ҳар қуни эрталаб соат бешдан то кечки 23 гача тўрт марта саккиз хил балиқ, битта қарга, учта қирғовул ва иккита қўннинг хатти-ҳаракатини кузатиб борадилар.

Япония ва Хитойда кучли ер қимирлаш олдидан балиқлар юқорига сузиб чиқадилар, ҳайвонлар эса гайритабиий овоз чиқарадилар. Тинч яшайдиган ҳайвонлар анча асабий ҳолатда бўладилар, деб ҳисоблайдилар. Лекин ҳайвонот боғида яшовчи 32 турдаги 221 та майда жониворлар 1983 йилнинг январида Токио районида бўлган кучли ер қимирлаш (Рихтер шкаласи бўйича 5,8 балл) олдидан ўз харақатларини сира ўзгартирмаганлар. Фақат бир дона қичкинагина балиқча сув ҳавзаси остидан юқорига сузиб чиққан.

Мутахассислар бир неча бор текшириб, жониворларда ҳеч қандай ўзгариш сезмаганлар, шундан сўнг улар туқунлиқда яшаб, қўлдан овқат едиган ва ҳеч қандай ташқи хатирани сезмаган жониворларнинг ёввойи авлодларида боб бўлган инстинктдан маҳрум бўлишлари мумкин, деб тахмин қилмоқдалар.

ЎҒРИ
ПИТОН

Уч ойдан бери Маниланнинг шаҳар ҳудудларидан бири аҳолисининг бошини қотириб келган жумбоқ ниҳоят ҳал бўлди. Гап шундаки, ерли аҳоли уришқоқ хўрозларнинг бир кечада сирли йўқолишидан қаттиқ ташвишда эди. Турли тахминлар қилинган лекин унинг асосий сабаби тўла аниқланмасди. Хўроз эгалари Филиппинда маълум ва машҳур бўлган ва бу ерда кўп вақтлардан бери тус олган хўрозлар жангида қатнаша олмай қолганидан аламда эдилар.

Ўғри эса кўққисдан ярим кечада пайдо бўларди ҳеч қандай из қолдирмай ўз ўлжасини олиб кетарди. Яқинда шаҳар полицияси бу тунги ўғрини жиноят устида қўлга туширди. У шу даҳадан унча узоқ бўлмаган ўрмон боғида яшовчи тўрт метрли питон экан.

ЭНГ
ЧИДАМЛИ
КИШИ

Англиянинг Йоркшир графлигида мусобақанинг ўзига хос бўлган турли мавжуд. Кимда ким аълобнос — сассик қўзданининг тишлашига узоқ вақт чидаб тура олади. Бу жониворнинг тиши худди пичоқдек ўткир, тирноқлари эса игнанинг ўзидир. Ҳозирги кунда 74 ёшли Рэт Мэллер рекорд ўрнатди турбиди. У сассик қўзданининг тишлашига беш соат янгирма олти дақиқа дош бериб турди. Бу пайт ичида чемпионнинг оёқлари қалин тўрга ўхшаб чандик бўлиб кетган.

Advertisement for Akromov Real Estate Agency. Includes contact information and services offered.

Advertisement for phone numbers. Lists various contact numbers for different services.

Advertisement for a restaurant or cafe. Includes location and menu information.

Advertisement for a business or service. Includes contact details and a brief description.

Advertisement for a concert or event. Includes the name of the event and location.